

2021
I сон



"ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ"
илмий электрон журналы

"ЛОГИСТИКА И ЭКОНОМИКА"
научно-электронный журнал

"LOGISTICS AND ECONOMY"
scientific-electronic journal

www.economyjournal.uz

Электрон журнал Олий Аттестация комиссиясининг миллий илмий нашрлари рўйхатига киритилган.



ТАҲРИИЯТ КЕНГАШИ

Таҳриият Кенгаши раиси

Муҳиддин Бахритдинович Калонов

иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)

Таҳриият Кенгаши раиси ўринбосари,

Комил Раббимович Хотамов

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бош муҳаррир

Фахриддин Икромович Исаев

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Таҳриият Кенгаши аъзолари:

и.ф.д., акад. Каландар Ходжаевич Абдурахманов

и.ф.д., проф. Абдуқодир Ҳамидович Тошқулов

т.ф.д., проф. Кунгратбай Авазимбетович Шарипов

и.ф.д., проф. Одил Қаландарович Абдурахманов

и.ф.д., доц. Мансур Пўлатович Эшов

и.ф.д., проф. Гулнора Каландаровна Абдурахманова

и.ф.д., проф. Мамаюнус Қаршибоевич Пардаев

и.ф.д., проф. Нодир Хосиятович Жумаев

и.ф.д., проф. Тулқин Хайитмуродович Фарманов

и.ф.д., проф. Алишер Жўраевич Тўйчиев

и.ф.д., проф. Адҳам Азизович Фаттахов

и.ф.д., проф. Садридин Каримович Худойқулов

и.ф.д., проф. Султонали Умаралиевич Мехмонов

и.ф.д., проф. Шойзоқ Раҳматович Холмўминов

т.ф.д., проф. Алимжон Ахмаджонович Рискулов

и.ф.ф.д.,(PhD) Kliment Lazarashvili (АҚШ, Жоржия ХУ)

и.ф.д., проф. Hermann Sterzinger (Германия, Мюнхен ТУ)

и.ф.д., проф. Masato Hiwatari (Япония, Токио ХУ)

и.ф.д., проф. Михаил Исакович Кутер (Россия Федерацияси, Кубан ГУ)

и.ф.д., проф. Sung Dong Ki (Корея, Сеул МУ)



и.ф.д., проф. Татьяна Борисовна Леберьт (Россия Федерацияси, Урал ГНТУ)
и.ф.д., проф. Зият Ниязович Қурбанов
и.ф.д., проф. Шахноза Жасуровна Эргашходжаева
и.ф.д., проф. Акром Абдиевич Хошимов
и.ф.д., проф. Расул Олимович Холбеков
и.ф.д., проф. Актам Усманович Бурханов
и.ф.д., проф. Баходир Акрамович Хасанов
и.ф.д., проф. Каримжон Бакиджанович Ахмеджанов
и.ф.д., проф. Неъматулла Фатхуллаевич Каримов
и.ф.д., проф. Олим Мамаюнович Пардаев
и.ф.д., доц. Бегматжон Юлдашалиевич Мақсудов
и.ф.д., доц. Нурбек Кадирович Ризаев
и.ф.д., доц. Жаҳонгир Жалолдинович Урмонов
и.ф.д., доц. Нодира Баҳодировна Абдусаломова
и.ф.н., проф. Шахло Тургуновна Эргашева
и.ф.н., доц. Норбута Эшназарович Бабахалов
и.ф.ф.д (PhD), доц. Мунис Қурбонович Абдуллаев
и.ф.ф.д., проф. Одилжон Собирович Абдураззаков (Германия, Кёльн БМ)
и.ф.ф.д (PhD). Бобир Ортиқмирзаевич Турсунов
и.ф.ф.д (PhD). Мақсуд Сувонқулович Рустамов
и.ф.ф.д (PhD). Илҳом Фиёзович Кенжаев
т.ф.ф.д (PhD). Ботир Инатович Абдуллаев

Масъул мұхаррир

и.ф.д., доц. Гулнора Мардиевна Шадиева

Веб-администратор А.Маматов

"ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ"

ИЛМИЙ ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛИ

2021 йил

I сон

МУНДАРИЖА

Aliqulov M.S.	<i>Sug'urta kompaniyalarining investitsiya faoliyati samaradorligini baholovchi ko'rsatkichlari</i>	6
Kosimov M.A.	<i>Transport - factors influencing the digitization of promising technologies of forwarding and logistics services</i>	14
Ostonokulov A.A.	<i>Davlat sektoridagi muassasalarning byudjetdan tashqari mablag'lari hisobi uslubiyotini takomillashtirish</i>	19
Tursunhodjayeva Sh.Z.	<i>Moliyaviy risklarni baholashning integral balli tizimi</i>	29
Tursunov B.O.	<i>Issues of financial security management at textile enterprises</i>	34
Yunusova S.B.	<i>Davlat-xususiy sherikligining xorij tajribasi va O'zbekiston Respublikasida qo'llash imkoniyatlari</i>	41
Азимова Л.С.	<i>Божхона органларида божхона тўловларидан бериладиган имтиёзларни бериш ва назорат қилишни такомиллаштириш йўллари</i>	51
Ахмедова Х.О.	<i>Тижорат банкларида комплаенс-назоратнинг замонавий механизmlари ва технологиялари</i>	58
Бакиров Б.Н.	<i>Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг трансмиссион механизмининг фоиз ставка канали</i>	64
Бозоров А.А.	<i>Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар)ни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш масалалари</i>	72
Бузрукхонов С.М.	<i>Олий таълимни инновацион ривожлантиришни молиялаштириш механизми ва инновацияларни инвестицион жозибадорлигини баҳолашнинг услугубий ёндашувлари</i>	84
Бўронов Ф.Р.	<i>Ўзбекистонда монетар сиёsat валюта каналига таъсир қилувчи омилларнинг эмпирик таҳлили</i>	99
Шадиева Г.М.	<i>Оиласий тадбиркорлик: моҳияти, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишдаги роли</i>	107
Гиясов С.А.	<i>Инвестицион солик кредитини кўллаш тартибини жорий қилиш имкониятлари</i>	113
Жумаева С.Х.	<i>Тўлов балансини мувофиқлаштиришда валюта сиёсатидан фойдаланишнинг назарий-услубий жиҳатлари</i>	120
Ибрагимова Р.А.	<i>Банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги эмиссон фаолиятини ривожлантириш масалалари</i>	125
Исмаилов Ф.А.	<i>Теоретические основы PRIVATE BANKING и VIP-клиента банка</i>	133

Кадиров С.Ш. Ризаев Н.К.	Номоддий активлар таҳлилини такомиллаштириш йўллари	142
Каримов Н.Ғ. Ҳакимов У.А.	Пенсия таъминоти тизими: ривожланган мамлакатлар тажрибаси	149
Кенжаев И.Ғ.	Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда суғурта ташкилотларининг ролини ошириш масалалари	158
Кузиев Р.Р.	Ўзбекистон эркин иқтисодий зоналарининг таҳлили: ривожланиши, фаолияти ва амалдаги солик режими	167
Курбанов З.Н. Назаров А.К.	Ўзбекистон Республикасида фискал ва солик сиёсатларининг асосий йўналишлари	177
Қурбонов М.А.	Мақсадли фондлар шаффоғлигини таъминлаш масалалари	186
Мамадияров З.Т.	Пандемия: банкларни трансформация қилишни янада жадаллаштирумокда	192
Маматқулов М.Ш.	Уй-жой мулқдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларда логистик харажатлар бошқарув ҳисобини такомиллаштириш	201
Махкамбоев К.А.	Автотранспорт корхоналари иқтисодий салоҳияти самарадорлиги ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниqlаш ва таҳлил қилиш йўллари	210
Набиев Б.К.	Хорижий банклар амалиётида молиявий рискларни рақамли технологиялар асосида баҳолаш усуллари	220
Норов А.Р. Шанасирова Н.А.	Ўзбекистон Республикасини халқаро рейтинг кўрсаткичларини оширишда тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш механизmlари	229
Ташбаев Б.Ў.	Ўзбекистонда давлат ички ва ташқи қарзлар сиёсати таҳлили	236
Ташманова Д.Д.	Ўзбекистонда кредит каналининг иқтисодиётга таъсирини эконометрик таҳлили	244
Турсунов А.А.	Ўзбекистон тиҷорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш йўли	251
Турсунов Ж.П. Маматкулова Я.Д.	Миллий пенсия таъминоти тизимининг назарий ва амалий асослари	260
Файзиева С.А.	Рақамли туризм: устувор масалалар, имкониятлар ҳамда муаммолар	270
Хошимов Э.А.	Рақамли иқтисодиёт шароитида валютавий интеграцияни чуқурлаштириш истиқболлари	277
Худайберганов Д.Т.	Республикамида товар ва хизматлар бозори мониторингининг ўзига хос хусусиятлари	284
Ҳотамов К.Р. Аминбоев Ж.О.	Кафолатли таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш	289
Шермуҳамедов Б.У.	Рақобат шароитида тиҷорат банкларининг депозит сиёсати	296
Эшпўлатова З.Б.	Даромадни тан олиш: операция нархи ва уни белгилашдаги ҳолатлар	303
Юлдашев О.Т. Анваров А.А.	Солик имтиёzlари самарадорлигини баҳолашнинг мухим жиҳатлари	313
Юсупов У.Ш.	Боҳхона ишида транспорт логистикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	319
Юсупова Д.Т.	Боҳхона соҳасида транспорт логистикасини ривожлантириш бўйича хориж тажрибаси	327



УЙ-ЖОЙ МУЛҚОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ ВА БОШҚАРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРДА ЛОГИСТИК ХАРАЖАТЛАР БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

и.ф.н., доц. **Маматқұлов М.Ш.**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хұжалигини
механизациялаш мұхандислар институти

Аннотация: Мақолада уй-жойларга коммунал хизмат күрсатувчи ширкатлар ва бोшқарувчы ташкилотлар бошқарув ҳисобида логистик харажатлар таснифи, таъминот, хизмат күрсатиши ва сервис жараёнларида логистика мұомалаларини құллаш, харажатларни қисқартыришнинг назарий-услубий жиҳатлари, омбор хұжалиги ва захираларни самарали бошқариш бүйіча илмий изланиш натижалари ёритиб берилған.

Калит сұздар: бошқарув ҳисобида логистик мұомалалар, логистик бошқариш, таъминот ва хизмат күрсатиши логистикаси, захираларни бошқариш, омбор хұжалиги, аңынавий ва логистик қарашлар.

IMPROVING MANAGEMENT ACCOUNTING FOR LOGISTICS COSTS IN HOMEOWNERS' ASSOCIATIONS AND MANAGEMENT ORGANIZATIONS

candidate of economics, Associate Professor Mamatkulov M.Sh.
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

Abstract: the article discusses the classification of logistics costs in public service partnerships and management organizations, the use of logistics operations in the processes of providing, if maintenance and service, theoretical and methodological aspects of cost reduction, the results of scientific research on warehousing and effective management of reserves are considered.

Keywords: logistics operations in management accounting, logistics management, supply and service logistics, inventory management, warehousing, traditional and logistics view.

1. Кириш.

Бұғунғи іқтисодиётни глобаллашуви шароитида уй-жой коммунал хизмати күрсатувчи корхоналарнинг фаолияти ва молиявий ҳолатига назар солсак, уларнинг фаолиятини янада самарали бўлишини таъминлаш, бошқарув ва ташкилий-хуқуқий таъминоти, бошқарув ҳисобини тизимли ташкил этиш ҳамда молиявий кўмаклашиш мұхим масалалар ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси шуни күрсатмоқдаки, бұғунғи кун рақобатчилик курашида бошқарув ҳисобида логистик қарашлардан хабардор бўлган ва унинг усуулларини яхши билганлар мувофақиятга эришмоқдалар.

Истеъмолчиларга сув таъминоти ва канализация хизматини күрсатиши тизими кўп квартирали уйларга уй-жой мулқорлари ширкатлари ва бошқарувчы ташкилотлар коммунал хизматлари күрсатиши ўртасида бир мунча фарқлар бор, хусусан, мазкур субъектларнинг бошқарув ҳисобида логистик харажатларни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Харажатларни алоҳида моддалари бўйича таҳлил қилиш корхона бўлинмалари ходимларини молиявий ва тезкор фаолиятлари маъсулиятларини табақалаштириш имкониятини яратади.

Маҳсулотларни сақлаш жараёни мазмунини ташкил этувчи мұомалалар маҳсулот сони ва сифати бўйича қабул қилиш ишлари, юклаш ва тушириш, омбордаги кўчириш ва ташишлар, сақлаш жойларига тушириш, сақланаётган маҳсулотни ҳолатини

кузатиш, маҳсулотни айнишини ёки бузилишини огоҳлантирувчи профилактик чоратадбирлар ўтказиш, омбор жиҳозларидан фойдаланишни ташкил этиш, маҳсулотни сотиш учун бутлаш ва тайёрлаш ишларини ўз ичига олади.

Маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлаш учун харажатлар, шунингдек турли шаклдаги хизматларни кўрсатиш учун сарфлар қуийдагилардир: маҳсулотни олиш, сақлаш, тайёрлаш, жўнатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ўз ичига олиб, шунингдек умумомбор ичидаги харажатлар ва маҳсулотни сақлашдаги етишмовчилик билан боғлиқ бўлган харажатлар, ташиб келтиришдаги йўқотишлар ва зарар кўриш харажатлари киритилади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Республикамизда бошқарув ҳисобини юритиш, корхоналарда услубий маҳсус йўрикномалар ва логистик харажатларни ташкил этишнинг услубий асослари мавжуд эмаслиги бошқарув ҳисобини тизимли равишда амалиётда қўллашга имкон яратмаяпти. Натижада менежерлар учун оптималь бошқарув қарорларни қабул қилишда фойдаланиладиган зарурий ахборот таъминотини такомиллаштирилишига етарли ётибор қаратилмаяпти.

Ўзбекистон Республикасида ушбу муаммо ечимларига бағишлиланган илмий изланишлар ва адабиётлар етарлича ёритиб берилмаган. Шу сабабга кўра, амалиётда асосан, хорижий адабиёт манбалари ва тажрибаларидан фойдаланилаётганлигини кузатишимиш мумкин.

Хусусан, коммунал хизмат кўрсатувчи субъектлар бошқарув ҳисобида логистик мумомалаларни юритиб бориш, харажатларни оптималлаштириш бўйича назарий-услубий асослари умуман, яратиб берилмаган.

Шунга кўра, хорижий олимларнинг бу борада олиб борган изланишларини таъкидлаб ўтмоқчимиз, уларнинг қарашлари қўйида келтирилди.

Абдуғаниев (2003) “Захираларни бошқариш – функционал фаолият бўлиб ҳисобланиб, унинг асосий мақсади – моддий ресурсларни шакллантиришга ва сақлашга сарфланадиган харажатларнинг йиллик ҳажмини минималлаштириш ҳисобланади”.

Бауэрсокс ва Клоссларнинг (2001) таъкидлашларича, “Таъминот материаллар, ишлаб чиқариш компонентлари ва тайёр маҳсулотларни етказиб берувчидан ишлаб чиқариш ёки йиғиш корхоналарига, ишлаб чиқариш ва савдо корхоналарининг омборларига ёки чакана савдо магазинларига ташқи мол етказиб беришни харид қилиш ва ташкил этишни ўз ичига олади. Одатда ишлаб чиқариш фаолиятида материаллар (товарлар) сотиб олиш харидлар деб аталади, давлат секторида – таъминот, чакана савдо ва омбор хўжалигида ҳам харидлар деб аталади. Баъзан, ушбу жараённи “Кириш логистикаси” ёки “Ички логистика” деб аталади”.

Бенкенинг ва Юльчиева (1999) ётироф этишича, “Японлар учун логистика – бу харажатларни қисқартиришнинг ягона усулидир. Ундан ташқари, логистика тижорат фирмаларига мол етказиб берувчилар сони, товарни сотиб олиш баҳолари, уларнинг кўлами, муайян мол етказиб берувчидан муайян исъемолчига товар бирлигини етказиб беришдаги транспорт харажатлари, тузилган шартномалар сони ва мумкин бўлган реал ҷегирмалар мавжудлигига даромадни максималлаштиришга имкон беради”.

Жураевнинг (2001) ёзишича, “Корхоналарни бошқарувида хўжалик механизмини такомиллаштириш харидларни тушуми ҳисоби биринчи навбатда қўйидаги асосий вазифаларни ҳал этишга йўналтирилиши зарурлигини назарда тутади: тезкор ҳисоб ва харидларни етказиб берувчилар билан шартномаларни бажарилиши назорати; келаётган материалларни ўз вақтида ва тўловни киримга олиш; уларни қабул қилиш вақтидаги сон ва сифат бўйича тафовутларни ўрнатиш; тузилган шартномаларга нисбатан нархлардаги тафовутларни аниқлаштириш зарур”.

Иоффе (2000) “Буюртмани бажариш харажатлари – бу транспортда юкларни ташиш, буюртмани етказиб бериш, уларни расмийлаштириш қиймати ва бажарилишини назорат қилиш қиймати, ахборотлаштириш харажатларидир. Бунда буюртмаларни бажаришнинг йиллик харажатларини улар ҳажмини кўпайтириш ҳисобига камайтириш мумкин”, - деб таъкидлайди.

Канке ва Кошевалар (2007) “Материал ва ахборот оқимларини материал оқимлар омборидан тайёр маҳсулот омборигача бўлган масофада бошқариш ишлаб чиқариш логистикаси деб аталади”, - деган фикрларни илгари сурмоқдалар.

Карпованинг (1997) фикрича: "Моддий ресурсларни режали бошқариш ўзида – кўзланган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш учун етарли бўлган материаллар ҳажмини доимий равишда бир маромда сақлаш услубини мужассамлаштиради".

Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда айтиш лозимки, коммунал хизмат кўрсатиш тизими таъминот жараёнларида захираларни оптималлаштириш – бу логистик бошқаришдир. Буюртмаларни бажариш маълум харажатлар бўлишини талаб этади, чунки ўзига ҳос занжир ҳисобланган буюртмани бажариш зарур товар-моддий заҳирасини шакллантиради ва унинг аниқ қиймати шаклланишига таъсир этади.

Нидз ва бошқаларнинг (1996) бу борада фикрлари қўйидагича, "Материал заҳиранинг бирламчи асосий ҳисоби воситани сотиб олиш чоғида тўланган нарх ёки берилган конпенсация сифатида аниқланувчи таннарх ҳисобланади. Бундай усул билан аниқланган материал заҳираларнинг таннархи (*inventory cost*) қўйидаги элементларини ўз ичига олади: а) харид учун чегирмаларни чиқариб ташланган ҳолда счёт-фактура суммаси; б) товарни йўлда қўриқлаш суммаси қўшилган ҳолда фрахт қиймати; в) тегишли солиқ ва тарифлар.

Сотиб олиш, қабул қилиш ва омбор хўжалиги билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар ҳам материал заҳираларнинг таннархига киритилиши керак. Аммо, амалда бу харажатларни алоҳида буюмлар ўртасида тақсимлаш қийин ва кўп ҳолда улар материал заҳираларнинг таннархи элементи сифатида эмас, балки ҳисобот даври харажатлари сифатида ҳисобга олинади".

Омельченко ва Киреевларнинг (1997) фикрича: "Хом ашё ресурслари ва маҳсулот заҳирасини яратиш мақсадлари турлика эканлиги сабабли уларни оптималлаштириш усуллари ҳам турличадир. Заҳираларни оптималлаштириш дегани бу - уларни бошқариш демакдир".

Хорнгрен ва Фостерлар (2000) эса "Кўплаб компанияларда материалларни сотиб олиш ва улардан фойдаланишни назоратини турли бўлинмалар амалга оширади. Натижада нархларнинг оғиши бўйича масъуллик таъминот бўлимидаги бўлса, самарадорликнинг оғиши бўйича масъуллик – ишлаб чиқариш бўлими ёки сотиш бўлимига юклатилади. Нархлардаги оғишларни бошқариш ва назорат қилиш: нархларни манипуляция қилиш, товарни рентабелли ҳажмини сотиб олиш, чегирмалар олиш, транспорт-ташишнинг энг маъқул усулини танлаш кабилар ҳисобига эришилади. Нархларнинг оғишини тахмин этиш усулларини такомиллаштириш ва мол етказиб берувчи ҳамда транспорт ташкилотларига нисбатан қарорлар қабул қилишда кўлланилади", - деб эътироф этганлар.

Юқорида келтирилган хорижий иқтисодчи олимларнинг фикрларига албатта қўшиламиз, лекин улар тармоқ ҳусусиятларига боғлаб, айнан коммунал хизмат кўрсатувчи субъектлар бошқарув ҳисобида логистик харажатларни бошқариш бўйича фикрлар келтириб ўтмаганлар, улар логистиканинг жараёнлар бўйича тўлиқ тадқиқ этганлар холос.

3. Тадқиқот методологияси.

Мақолани тайёрлашда кўп квартирали ўйларга коммунал хизмат кўрсатувчи уйжой мулқдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотлар томонидан бошқаришда логистика муомалаларини қўллаш тартиби, уларнинг харажатларини логистика нуқтаиназардан талқин қилиш, бошқарув ҳисобида логистик харажатларни самарали бошқариш илмий жиҳатдан ўрганилган. Тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция, солишишторма ва тизимили таҳлил усулларидан фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Истеъмолчиларнинг буюртмаларига хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар таркиби қўйидагилардан ташкил топади:

- буюртмаларни олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар – корхонанинг ўз маҳсулотини сотиш учун харидорларни излаш билан боғлиқ харажатлар;
- буюртмаларни бажариш билан боғлиқ бўлган харажатлар – маҳсулотни сотиб олиш, сақлаш, ташиш, суғурталаш, божхона тўловлари, транспорт хизматлари, қўриқлаш, ўраш ва қадоқлаш, товар-транспорт хужжатларини тайёрлаш ва алоҳида вазиятлар натижалари бўйича харажатлар киради.

Уйжой мулқдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларда таъминот (харид қилиш) функцияси умумий мақсадлари ўзининг андозавий мазмунига эга, яъни корхона

ўз сифати ва миқдори бўйича зарур бўлган маҳсулотни керакли вақтда, керакли жойда ўз мажбуриятларига биноан жавоб бера олиши ва ишончли мол етказиб берувчидан уларни мақбул нархда олиши лозим. Ушбу мажбуриятни бажаришида қўйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш зарурдир:

1. Уй-жой мулқдорлари ширкатлари ёки бошқарувчи ташкилотлар фаолияти учун зарур бўлган моддий материаллар оқимининг узлуксизлигини таъминлаш, бутловчи қисмлар етказиб бериш ва хизматларни тақдим этиш. Акс ҳолда, моддий материаллар ва бутловчи қисмлар етишмаслиги коммунал хизмат кўрсатишни тўхтаб қолишига ва қўшимча харажатларнинг, хусусан доимий харажатлар ва мижозлар талабларига жавоб бера олмайдиган эксплуатация харажатларининг ўсишига кетишига олиб келиши мумкин.

2. Уй-жой мулқдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотлар заҳиралар билан боғлиқ бўлган инвестициялар (қўшимча маблағлар сарфлаш) ва харажатлар мутаносиблигини минимумга келтириш зарур. Материаллар ва хизмат кўрсатишнинг узлуксиз оқимини таъминлашнинг асосий усусларидан бири бу - уларнинг заҳираларини яратиш ва сақлашдир. Заҳира яратиш маблағ сарфлашни, яъни уни банд этишини талаб этади. Жорий заҳираларнинг қиймати активлар умумий қийматининг ярмини ташкил этиш мумкин.

3. Уй-жой мулқдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларда сифатни назорат қилиш ва уни тутиб туриш лозим. Кўрсатилган хизмат умум қабул қилинган талабларга жавоб бериши зарур, акс ҳолда хизмат кўрсатиш харажатлари зарур даражагача пасайиши мумкин.

4. Нуфузли ва ишончли мол етказиб берувчиларни излаш. Уй-жой мулқдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларда таъминот (харид қилиш) функциясининг мувоффақиятли кечиши мол етказиб берувчи ва пудратчиларни танлай олиш қобилияти, улар билан муносабатларни ривожлантириш, уларнинг имкониятларини таҳлил қилиш, талабларига жавоб бера олувчи мол етказиб берувчи ва пудратчиларни танлаш, сўнг улар билан доимий равишда ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятни такомиллаштириш каби жараёнларнинг коммунал хизмат кўрсатишга бевосита боғлиқ эканлигига эътибор бериш лозим.

5. Уй-жой мулқдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларнинг таъминот (харид қилиш) жараёнида “баҳо-сифат” тамойилига амал қилиш. Харид қилиш бўйича фаолият айланма воситаларнинг катта ҳажмидан фойдаланишни тақозо этади. Шунинг учун, зарур сифат даражаси, етказиб бериш ва сервис хизматини кўрсатиш даражаларини сақлаб қолган ҳолда минимум қийматга эга бўлган товар ва хизматларни харид қилиш мақсадга мувофиқидир.

6. Уй-жой мулқдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларда рақобатбардошлигини ошириш. Уй-жой мулқдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотлар таъминот (харид)лар билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ва даромадсиз ёки қўшимча куч, вақт талаб этувчи фаолият олиб боришдан сақланиш чораларни қўллай олиш зарур. Бунинг учун, харажатлар ҳажмини оптималлаштириш, етказиб келиш ва етказиб бериш жадвалларига ўзгартиришлар киритиш, ривожланган техника ютуқларини тадбиқ этиш ва бошқалар зарурдир.

7. Уй-жой мулқдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотлар бошқарувида ички бўлинмаларда ўзаро барқарор муносабатларини ўрнатиш. Ички бўлинмалар ва ходимлар: техник назорат ва хизмат кўрсатиш бўлимлари, бухгалтерия, инженерлик ишланмалар билан ҳамкорлик қилмай туриб таъминот (харид)ни таъминотини самарали юрита олмайди.

8. Уй-жой мулқдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотнинг маъмурий-бошқарув харажатларини пасайтириш. Маъмурий-бошқарув харажатларининг юқори бўлиши, таъминот (харид қилиш) фаолияти самарасининг тушишига сабаб бўлади. Одатда, таъминот жараёнлари уй-жой мулқдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотлари бўлинмаларини ихтисослашганлиги, коммунал хизмат кўрсатишнинг ривожланганлиги ва мураккаблиги, фаолият олиб бориш тармоғи, рақобат кураши ва бошқа қатор омилларга боғлиқидир.

Харид шакллари уй-жой мулқдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларда марказлашган ва марказлашмаган ҳолда ташкил этилиши мумкин. Агар, марказлашмаган ҳолдаги таъминот жараёни ташкил этилган бўлса, бўлинмаларнинг хизматчилари мустақил ҳолда ҳар бири ўз бўлинмалари учун харидларни амалга

оширади. Бундай ёндашувнинг афзаллик томони шундаки, фойдаланувчи бошқаларга қараганда ўз бўлинмаси эҳтиёжларини яхши ўзлаштиради ва натижада харид қилиш жараёни тезроқ амалга ошади. Аммо, марказлашмаган ҳолда харидларни амалга оширишга қараганда марказлашган ҳолда ташкил этишининг кўп афзалликлари мавжуд. Шунинг учун, хозирги кунда деярли барча корхоналар харидларни амалга оширишда марказлашган усулда фойдаланадилар.

Уй-жой мулқдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларда харидларни режалаштириш жараёни йиллик сотиб олиш, ишлаб чиқариш режаси ва умумиқтисодий режалардан олинган ахборотларни қайта ишлашдан бошланади. Сотиб олиш бизнес режага мос келиши зарурлигидан келиб чиқиб, режалаштириладиган моддий материаллар ва хизматларга бўлган эҳтиёжи аниқланади. Коммунал хизмат кўрсатиш режаси эса, материаллар ва хизматлар сотиб олинадиган манбани аниқлаб беради, умумий тузилган бизнес режа нархнинг умумий тенденцияси, иш хақи ва бошка харажатларни баҳолаш чоғидаги зарур бўлган ахборот билан таъминлайди.

Қўйида таъминот (харид қилиш), ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш (сотиш) жараёнларида логистик харажатларининг тўлиқ тавсифини келтирамиз (1-жадвал).

1-жадвал.

Таъминот (харид), ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш (сотиш) жараёнлари бўйича харажатлар таснифи

Таснифлаш белгиси	Харажатлар
Таъминот (харид) бўйича харажатлар таснифи	
Харид жараёнига алоқадорлиги бўйича	Асосий ва қўшимча
Таркибий бирлиги бўйича	Бир элементли ва комплекс
Таъминотни яратиш бўйича	Трансакцион, сотиб олиш ва транспорт
Мол етказиб берувчининг хизмат кўрсатиши бўйича	Келишилган ва келишилмаган
Таъминотни бажариш бўйича	Келтириш, тушириш, жойлаш ва сақлаш
Сақлаш бўйича	Асосий ва ёрдамчи
Режани бажариш бўйича	Режали ва режасиз
Таҳлил ўтказиш бўйича	Режага (тахмин) ва хақиқий
Таъминот даврийлиги бўйича	Узлуксиз ва мавсумий
Харажатни кирим қилиш бўйича	ҚҚСсиз ва ҚҚС билан
Логистик бошқариш бўйича	Самарали ва самарасиз
Ишлаб чиқариш бўйича харажатлар таснифи	
Иқтисодий мазмуни бўйича	Иқтисодий элементлар ва харажат моддаларига кўра
Технологик жараёнга алоқадорлиги бўйича	Қўшимча ва устама
Таркибий бирлиги бўйича	Бир элементли ва комплекс
Харидорга хизмат кўрсатиш усули бўйича	Тўғри ва эгри
Хизмат ҳажмига алоқадорлиги бўйича	Ўзгарувчан ва доимий
Ишлаб чиқариш жараёнига қатнашиши бўйича	Ишлаб чиқариш ва тижорат
Харажатларни мақсадга мувофиқлиги бўйича	Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш
Режани қамраб олиш бўйича	Режали ва режасиз
Реал харажатларга мослиги бўйича	Режага (тахмин) ва хақиқий
Пайдо бўлиш даврийлиги бўйича	Жорий ва бир мартали
Даражаси бўйича	Умумий ва ўртача
Маъсулият марказида бошқариш бўйича	Бошқариладиган ва бошқарилмайдиган
Сотиш жараёни бўйича харажатлар таснифи	
Иқтисодий мазмуни бўйича	Сотиш, маъмурӣ ва давр харажатлари
Сақланиши бўйича	Асосий ва ёрдамчи
Етказиб берилиши бўйича	Узлуксиз ва мавсумий
Сотувларни яратиш бўйича	Трансакцион, сотиш ва транспорт
Сотишни амалга ошириш бўйича	Юклаш (ортиш), жўнатиш, етказиб бериш
Сотиш жараёнларига қатнашиши бўйича	Воситачисиз, восита орқали ва аралаш
Харидорларнинг истак-ҳоҳишлиларига кўра	Чегирмали ва чегирмасиз
Режани бажариш бўйича	Режали ва режасиз
Реал харажатларга мослиги бўйича	Режага (тахмин) ва хақиқий
Тушумни кирим қилиш бўйича	ҚҚСсиз ва ҚҚС билан
Хисобда акс эттирилиши бўйича	Вақтинчалик ва давр харажатлари

Үй-жой мулқорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотлар бошқарув ҳисобида логистик харажатларни пасайтириш энг мұхим вазифа ҳисобланади. Трансакцион, материаллар ва әхтиёт қисмларни көлтириш, тушириш ва омборга жойлаш, омбор хұжалигини юритиш, товар-моддий захираларни омборда сақлаш, товар-моддий захираларни хизмат күрсатиш бўлинмаларига етказиб бериш каби таъминот харажатларини пасайтириш шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётини шакллантириш нафақат назарий жиҳатдан, балки уни шаклланган бозор амалиётида ҳам ўрганишни талаб этади. Бунда, логистика муомалаларининг “захираларни бошқариш” кўламида шакллантирилиши ва фаол фаолият олиб борилиши зарур, фаолият давомида захиралар етказиб беришнинг энг мақбул усусларини танлаш лозим. Үй-жой мулқорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларнинг таъминот тизимида моддий активларни харид қилиш ва уларни ташиб көлтиришда маълум харажатларни амалга оширишини тақозо этади.

Ушбу таклифларни маъқуллаш билан бир қаторда, захираларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳисобот даври харажатлари сифатида, ташиб билан боғлиқ бўлган харажатларни эса, транспорт-тайёрлов харажатлари сифатида ҳисобга олишни маъқул деб ҳисоблаймиз. Кўриниб турибдики, чет эл амалиётида ушбу харажатлар – умумкорхона харажатлари ёки умумишлиб чиқариш харажатлари деб чегараланмаган.

Харидларни (таъминотни) амалга оширишда транспорт-ташиш масалалари ҳам кўриб чиқилади. Шунинг учун, ҳозирда бутун дунёда логистика вазифаларини фаолият олиб боришига, транспорт логистикасини татбиқ этишга, бинобарин, республикамизда ҳам транспорт логистикасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам иқтисодий натижаларни баҳолаш ва тахмин (прогноз) қилишнинг бу усуслари такомиллаштирилса ҳамда республика корхоналари фалиятида таъминот жараёнларини логистик бошқаришда транспорт логистикасини ҳам биргаликда жорий этилса айни муддао бўлар эди. Захираларни яратиш харажатлари логистикасини юритиш дегани, демак ушбу муаммонинг амалда ҳал этилиши ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, захираларни бошқариш усуслари икки ҳил, яъни захираларни яратиш ва уларни сақлаш бўйича логистик бошқаришга ажратиш мумкин.

Ҳозирги кунда яна бир асосий муаммолардан бири омбор хўжалигини тўғри ташкил этиш ва омборлардаги захираларни сақлаш харажатлари бўйича логистик бошқаришни ташкил этишдир. Захираларни яратиш бу сотиб олинган бойликларни омборга қабул қилиб олиш, уларни сақлаш, моддий бойликларни омбордан истеъмолга тайёрлаш ва чиқаришдир. Омборларда нафақат сақлаб туриш харажатлари, балки захиралар дараражасининг оптималлиги ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим.

Омбор ва омбор хўжаликлари харидларни қабул қилиб олиш ва жойлаш, ундан сўнг сақлаш ва уларни ишлаб чиқаришга бериш бўйича маълум харажатларни көлтириб чиқаради. Захираларни бошқариш бўйича харажатларни шакллантириш, қолаверса, захираларни сақлаш бўйича харажатлар суммасини ажратган ҳолда шакллантириш, ушбу харажатларни қисқартириш чораларини кўриш учун жуда зарурдир.

Тадқиқот обьектимиз ҳисобланган үй-жой мулқорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларнинг омбор тузилмаси кичик омборлардан иборат бўлиб, уларнинг таркибининг асоси қурилиш ва таъмирлаш-тиклаш хизматини кўрсатишда сарфланадиган материаллар ва әхтиёт қисмлари, хизмат кўрсатувчи ишчиларнинг асбоб-ускуналарини киритиш мумкин. Бизнингча, таъминот жараёнлари логистик харажатларини ташкил этишда қўйидаги моддалар бўйича таҳлил ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотларимиз мобайнида үй-жой мулқорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларда коммунал хизмат кўрсатиш жараёнига анъанавий ва логистик ёндашувни қўйидагича таҳлили амалга оширилди (2-жадвал).

**Коммунал хизмат кўрсатиш жараёнида анъанавий ва логистик қарашларни
қиёсий таҳлили**

№	Кўрсаткичлар	Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларда	
		Анъанавий қарашлар	Логистик қарашлар
1.	Омборда товар-моддий заҳиралар қолдиги	Албатта, заҳираларга эга бўлиш зарур	Заҳиралардан воз кечилади
2.	Таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш вақти	Таъмирлаш-тиклаш ишлари жараёнининг кечишига қараб узайтирилиши мумкин	Ортиқча вақт сарфланишига йўл кўйилмайди
3.	Хизмат кўрсатиш сифати	Хизмат кўрсатиш сифатига унчалик эътибор қаратилмайди	Юқори даражада сифатли хизмат кўрсатишга эришилади
4.	Буюртмаларни бажариш тартиби	Имкониятдан келиб чиқиб, энг зарури бажарилади	Ҳар бир буюртмага алоҳида эътибор қаратилади
5.	Ишчи ва хизматчиларни ишсиз туриб қолишига ҳақ тўлаш тартиби	Ишчи ва хизматчиларни ишсиз туриб қолишига ҳақ тўланмайди	Ишчи ва хизматчиларни ишсиз туриб қолишига йўл кўйилмайди
6.	Авария ҳолатларига тайёрғанлиги даражаси	Хизмат кўрсатиш жараёнини борига қараб бартараф этилади	Доим бартараф этишга тайёр турилади
7.	Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан муносабатлар	Моддий ресурсларни етказиб берса ва ишни бажариб берса бўлди деб қаралади	Ишончли ва ҳамкор деб қаралади

Ҳозирги шиддатли ривожланиш шароитида ишлаб чиқаришни анъанавий ташкил этиш усууллардан жаҳон бозоридаги таклифни ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Ишлаб чиқариш логистикасини алоҳида функционал тизим ости сифатида кўриб чиқиш долзарблиги сўнгги йилларда оммавий ва йирик серияли ишлаб чиқариш соҳасини қисқартириб бориш туфайли пайдо бўлганлиги билан изоҳланади.

Фикримизча, энг аввало, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга қаратилган энг мақбул бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Ишлаб чиқариш харажатлари логистикасининг вазифалари доирасига корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнларида материал, молиявий ва ахборот оқимларини бошқариш киритилади. Унинг асосий вазифаси юқори сифатга эга маҳсулотни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ўрнатилган муддатларда бажариш, меҳнат предметларининг узлуксиз харакати ва иш ўринларини доимий бандлигини таъминлашдир.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларига коммунал хизматларга оид буюртма келиб тушганда хизмат кўрсатувчи томонидан буюртмани ўз вақтида амалга ошириш. Нархга бўлган талабларни қондириш нафақат коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси, балки истеъмолчилар манфаатига ҳам йўналтирилган бўлиши, шунингдек коммунал хизматни белгиланган муддатларда, энг минимал харажатларда ва зарар етказилмаган ҳолда бажариш лозим.

Ушбу ҳолатни юзага келтириш фақат бошқарув ҳисобида хизмат кўрсатиш логистик харажатларини оптималлаштириш орқали эришиш мумкин. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотлари хизмат кўрсатishi жараёнларида логистиканинг ўзига хослиги шундаки, бунда материал, ахборот, молиявий ва бошқа оқимларни ноишлаб чиқариш даврида бошқариш стратегик, ташкилий, молиявий чора-тадбирлар сифатида намоён бўлади.

Қўйида Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотлари бошқарув ҳисобида хизматлар кўрсатиш логистик харажатларини ташкил этиш таснифи келтирилди. (1-расм)



1-расм. Коммунал хизмат кўрсатиши логистик харажатлари таснифий шакли.

5. Хулоса ва таклифлар.

Маълумки, логистикада маҳсулотни тақсимлаш бу товарни истеъмолчига жисмоний етказиб бериш тушунилади. Бироқ, ҳозирги кунда янги тушунчалар, яъни тижорат йўли ва каналлар орқали амалга оширилиши ҳам киритилмоқда.

Хизмат кўрсатиши амалий тақсимлаш бўйича муюмалаларни амалий бажариш учун хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи фирманинг тегишли бўлинмалари қаторида бу ишларни бажариш билан шуғулланувчи ихтисослаштирилган воситачи фирмалар ҳам жалб қилиниши мумкин. Шунга биноан, амалий тақсимлаш дейилганда хизмат кўрсатиш жойигача истеъмолчиларнинг талабларини қондириш ва даромад олиш мақсадида хизматларнинг кўчирилишини режалаштириш, ташкил этиш ҳамда назорат қилиш фаолияти тушунилади.

Уй-жой мулқдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотлар томонидан коммунал хизмат кўрсатиши логистикаси қўйидаги тамойилларга амал қилиш лозим:

1. Коммунал хизматлар кўрсатилишининг барча жараёнлари, яъни коммунал хизмат бўйича буортмани олгандан бошлаб, истеъмолчига хизмат кўрсатиши якунлаш жараёнларигача мувофиқлаштириш.

2. Коммунал хизматларни тақсимлаш жараёнларини бошқаришнинг барча функцияларини интеграциялаш.

3. Коммунал хизмат кўрсатиши жисмоний, тижорат ва каналлар орқали тақсимлашни бозорнинг доимий равишда ўзгарувчи талабларига ва биринчи навбатда истеъмолчиларнинг талабларига мослаштириш.

4. Бир бутун ва ўзаро боғлиқликда коммунал хизмат кўрсатиш фаолиятининг барча унсурларини бошқариш.

5. Истеъмолчиларнинг кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловчанлик қобилияти талабини қондириш билан боғлиқ муаммоларни эътиборга олиш.

6. Уй-жой мулқдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотлари коммунал хизмат кўрсатиш жараёнларида хизмат кўрсатиш-нарх ва тарифлар негизида мутаносиблик ва мувозанатига эришиш.

7. Доимо коммунал хизмат кўрсатишида унумдорликка эришиш учун кескин чоралар қўлламаслик ва логистик муюмалаларни изчиллик билан амалга ошириш.

Таъкидлаш жоизки, уй-жой мулқдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларда коммунал хизмат кўрсатиш жараёнларини логистика тамойиллари асосида бошқариш тизими ташкил этилмаган ва харажатларни камайтириш учун

бошқарув ҳисобида логистика мұомалаларидан фойдаланилмаяпты. Хусусан, хизмат күрсатиши бүғинида логистик бошқаришни ташкил этилмаганлыги сабабли айрим салбий оқибатлар юзага келмоқда.

Үй-жой мұлқорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларда коммунал хизмат күрсатиши жараёнлари логистик харажатлари бошқарув ҳисобини юритища қуийдагиларрини амалға оширишни тавсия этамиз:

- хизмат күрсатиши жараёнларида трансакцион харажатларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобни олиб бориш;
- хизмат күрсатиши жараённан логистика оқымларини бошқарув қарорлари асосида бошқариш;
- молиявий оқымларни етук мутахассислар (бухгалтер, ички аудитор ва менежер)нинг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда жалб этиш;
- хизмат күрсатиши жараёнларини логистик бошқаришда транспорт логистикасини тақомиллаштириш;
- үй-жой мұлқорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотлар бошқаруви ва ҳисобини юритища логистика хизматини ташкил этиш, бухгалтерликка логистика мутаҳассисларини жалб қилиш ва бошқалар.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Абдуғаниев А.А. (2003) Башқарув ҳисобини ташкил этиш муаммолари, уларнинг ечимлар. Монограф. Т.: ТМИ. 117-б. (Abdug'aniev A.A. (2003) Problems of management account organization, their solutions. Monograph. T .: TFI. 117 pages)

Бауэрсокс Д.Дж., Клосс Д.Дж. (2001) Логистика. Интегрирования цепь поставок. – М.: Олимп-бизнес, с. 57 (Bowersox D.J., Kloss D.J. (2001) Logistics. Integration of the supply chain. - M .: Olymp-business, p. 57)

Бенке И.Ю., Юльчиева Г.Н. (1999) Японское искусство торговать в практике. Казахстан: с. 223 (Benke I.Yu., Yulchieva G.N. (1999) The Japanese Art of Trading in Practice. Kazakhstan: p. 223)

Жураев Н.Ю. (2001) Методы учета движения предметов труда // мат. меж. науч-прект. кон. Закономерности, тенденции и особенности развития соц-экон. отнош. в странах рыночной ориентации. – Алматы: с. 31 (Zhuraev N.Yu. (2001) Methods of accounting for the movement of objects of labor // mat. between. scientific project. end Patterns, trends and features of the development of social economies. att. in countries of market orientation. - Almaty: 31 р.)

Иоффе Р.В. (2000) Логистика. ЮНИТА. Транспортная, производственная и информационная логистика. – М.: с. 57 (Ioffe R.V. (2000) Logistics. UNITA. Transport, production and information logistics. - M .: p. 57)

Канке А.А., Кошева И.П. (2007) Логистика: уч. – 2-е изд. – М.:ФОРУМ, ИНФРА-М, с. 211 (Kanke A.A., Kosheva I.P. (2007) Logistics: textbook. - 2nd ed. - M.: FORUM, INFRA-M, p. 211)

Карпова Т.П. (1997) Основы управленического учета. Учебное пособие. – Москва: ИНФРА-М, с. 61 (Karpova T.P. (1997) Fundamentals of Management Accounting. Tutorial. - Moscow: INFRA-M, p. 61)

Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. (1996) Принципы бухгалтерского учета. – М.: Финансы и статистика, с.164 (Needles B., Anderson H., Caldwell D. (1996) Principles of Accounting. - M .: Finance and statistics, p. 164)

Омельченко И.И., Киреев А.В. (1997) Промышленная логистика. М.: ЮНИТИ, с. 88 (Omelchenko I.I., Kireev A.V. (1997) Industrial Logistics. M.: UNITI, p. 88)

Хорнгрен Ч.Т., Фостер Дж. (2000) Бухгалтерский учет: Управленческий аспект: – М.: Финансы и статистика, с. 137 (Horngren Ch.T., Foster J. (2000) Accounting: Management aspect: - M.: Finance and statistics, p. 137)

